

болып, қосық соған арналған.

«Әуезжанның егип кеткен таллары,
Қыйын болды балларынын халлары. [5:358]

Асфандияр ханның сарайға қыз жыйнаў бұйрығы халықтың ханлыққа болған күшлі нарийзалығын келтирип шығарды. Қыз жыйнаўшыларға халық тас ылақтырады, қызларын ерлерше кийиндирип. Әмиўдәрьяның аркасына рүс патшалығы қол астына өткереди. Усы баса-баста бир кеме қыз сүўға да кетип қалады. Ақырында халық күраллы көтерілиске өтеди. «Көтерілис басланған күнлери, - дейди академик Г.Н.Непесов - олар (Хожели көтерілисшилери) Асфандияр ханды күш пенен тахтан қулатыўды хәм хан қол астындағы барлық халықтың рүс пұкаралығына өтиўин талап етип шықты. Бұл жағдай соны көрсетеди, халық қозғаланының да белгили максети болғанлығын, оны басқарыўшы Әуезжан хожаның да қосықтағы ха-

лықтың тәрийиплегениндей прогрессив характердеги адам болғанлығын көрсетеди. Әуезжанның өлимин «әрманлы өлим, халық үшын шейит өлген» деп оны халық жоқары бағалайды.

Әуезжан өлипти кайда қоялы,
Ғәзийнехананың аўзын оялы,

Жуўмақлап айтқанда қарақалпақ тарийхый қосықларының раўажланыў хәм қәлиплесиўи көп дәўирлерди өз ишине алады. Оның тематикалық диапозоны кең болып, фольклорлық шығармалардың барлық жанрлары менен тығыз байланыслы түрде раўажланыў менен бирге, қарақалпақ халқының сиясий-жәмийетлик тұрмысының дерлик барлық дәўирлерин еске түсиреди. Тарийхый қосықлар, жыр хәм толғаў, термелер барлық ўақыт халық тұрмысына тығыз байланыслы түрде пайда болды, таралды.

Әдебиятлар

1. Қожықбаев Ә. Тарийхый қосықлар. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1980.
2. Бердақ. Таңдамалы шығармаларының толық жыйнағы. -Нөкис: ККМБ, 1950.
3. ӨЗРИА ҚҚБ Қол жазбалар фонды, инв. 37344
4. Сыдық Токпан улы. Шығармалары. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1978.
5. Қарақалпақ халық қосықтары. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1965.
6. Непесов Ғ. 1920-1924-жыллардағы Хорезм халық Совет революциясында Қарақалпақстан мийнеткешлериниң роли. - Нөкис, 1964; Төреев А. 1916-жылғы халық көтерілиси. -Нөкис, 1967.

РЕЗЮМЕ. Мақалада қарақалпақ тарихий құшиқлариниң ривожланиши ва шаклланиши бир канча даврларни ўз ичига олади. Фольклористик жанрлар билан бирга ривожланиб, қарақалпақ халқиниң сиёсий-ижтимоий ҳаётиниң барча даврларини ўз ичига олади. Тарихий құшиқлар ҳамма даврларда халқиниң турмуш тарзига боғлиқ пайдо бўлади ва ривожланади.

РЕЗЮМЕ. Статья охватывает несколько периодов в развитии и становлении каракалпакских исторических песен. Развиваясь вместе с фольклорными жанрами, он охватывает все периоды политической и общественной жизни каракалпакского народа. Исторические песни возникают и развиваются во все времена в зависимости от образа жизни народа.

SUMMARY. The article covers several periods in the development and formation of Karakalpak historical songs. Folklore, combined with genres, covers all periods of the political and social life of the Karakalpak people. Historical songs arose and developed in all periods, depending on the way of life of the people.

ЛОҚАЙДЛИК ВА БЕПАРВОЛИК ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИЛЛАТ СИФАТИДА

Э.Шерманов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таянч сўзлар: дахлдорлик, лоқайдлик, ижтимоий фаоллик, ислохотларга дахлдорлик, фашизм, миссонерлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”, огохлик, тарбия, лоқайдлик, бефарқлик.

Ключевые слова: вовлеченность, индифферентность, социальная активность, вовлеченность в реформы, фашизм, миссионерство, религиозный экстремизм, «народная культура», информированность, просвещение, индифферентность, равнодушие.

Key words: involvement, indifference, social activity, involvement in reforms, fascism, missionary, religious extremism, "popular culture", awareness, education, indifference, indifference.

Бугунги глобаллашув жараёнлари, фан-техника тараққиёти, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратмоқда. Улар олдида тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлишдек ҳаётий талабларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентиниң 2019 йил 8 апрель куни “Ўзбекистон тараққиётиниң янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилингандан сўнг олимлар Миллий ғоя концепцияси ишлаб чиқилди.

Тақдим этилган миллий ғоя Концепцияси дунё ижобий тажрибасиниң нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан шахсиниң интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим ютуқларини ҳам ўзида мужассам этган. Миллий мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-этикоддини ифодалайдиган, жамиятимизниң ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган педагогик ғоялар тизими ҳамдир.

Ёшларда миллий ғоя рўёбига далдорлик фазилатини тарбиялаш бу пировард ҳолда учта ҳокимият тармоғини

бирлаштиришга, яъни буни таъминловчи фуқаролик жамиятиниң, демократик ҳуқуқий давлатниң гуллаб яшанашига олиб келади. Бу ҳақда Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай дейди “.....жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати” [1].

Илмий ижодий жамоатчилик олдида давлатимиз томонидан “Замонамиз қаҳрамони” образини яратиш масаласини ғоявий тарбиявий идеал масаласи деб талкин қилиш зарурлигини кўрсатмоқда

Бу ва шу йўналишдаги дастурий фикрлар барча фуқаролар ва уларни бирлаштирган турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий қуч ва ҳаракатларниң мақсадларини ўзида уйғун қилган Ўзбекистон тараққиётиниң ҳозирги босқичида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”, деган улғу мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқиши – бу ҳар бир ўзбекистонлик йигит қиз учун бирдек муқаддас бўлишини тарбиявий таъминлашнинг нақадар муҳим ва шартлиги намоён бўлади.

Шу сабабли мана шундай олижаноб туйғулар бир томондан, миллий ғоя ва миллий мафкурамизниң маъно-мазмунига, иккинчи томондан, ҳар бир ўзбекистонликниң ҳаёт дастурига айланишига эришишни таъминлаш вазифаси белгилаб берилди. “Ҳаёт дастурига айланишига эришиш” масаласида мураккаб педагогик вазифа мужассамлиги кўриниб

туради.

Миллий ғоя рўёбига дахлдорлик икки йўналишга эга. Биринчиси, бунёдкор ғоялар рўёбини ҳамма жойда ва доим, дилда, тилда ва амалда қўллаб қувватлаш. Иккинчи йўналиш бу бузғунчи ғоялар рўёбига ҳамма жойда ва доим, дилда, тилда ва амалда қарши туришни тақозо этади. Мана шу мақомда дахлдорлик билим, туйғу, кўникма, малака, компетентликка таянувчи шахсий фазилат даражасида намоён бўлади.

Ушбу ёндашув ўзининг бир неча таянч асосларига эга. Шулардан бири дахлдорлик бу кишида бир канча маънавий хислатлар, жумладан, виждон, имон, масъулият, орият, номус, жавобгарлик, огоҳлик, хушёрлик, манфаатдорлик, ҳозиржавоблик, тadbirkorлик, эътиборлилик, принципиаллик, ғурур, ҳалоллик ва бошқа фазилатлардир. Яъни дахлдорлик якка, соф ҳолда намоён бўлмайди, Олий таълим муассасалари талабаларида унинг намоён бўлиши учун юқоридаги хислат ва фазилатлар омил сифатида хизмат қилади.

Миллий ғоя мамлакатимизда 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган 7 ғоя асосида янада мустақамлаш йўлида ижтимоий ҳамкорликка сафарбар этади. Бироқ, агарда огоҳ бўлмасак, онг ва қалбда бўшлиқ пайдо бўлса, турли шакл ва ниқоб, либосларда вайронкор ғоялар кириб келаверади. Бундай вазиятда нима қилмоқ керак? Бунда дахлдорликнинг иккинчи йўналиши ишга тушиши, яъни ҳар бир йигит киз “Фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашиш, олишишга ўзини дахлдор деб билиши керак. Акс ҳолда, агарда лоқайдлик устун келса, олдини олиб бўлмайдиган фожиалар келиб чиқиши тарихда кўп бор ўз тасдиғини топган.

Шулардан бири сифатида XX асрнинг 30 йилларидаги Европа, бутун дунё жамоатчилигининг фашизм ғоясига лоқайд муносабати қандай фожиаларга олиб келганини келтириш мумкин. Фашистлар лоқайд одамларнинг териларидан аёллар сумкачалари, туфлиларини, галантерея молларини ясаб сотди. Жасадларини крематорий(ўчоқ)ларда ёқди, юз минглаб одамларни тириклай қўмди. Устига тупроқ тортилган тириклардан тепаликлар пайдо қилди. Бу тирик тепаликлар анча вақт қимирлаб турган. Булар ўша йиллари – фашизм энди бош кўтараётганида инсоният йўл қўйган лоқайдлиги учун жазо эди.

Фашизмни тўхтатиб бўлармиди? Ҳа. Инсоният, Европа жамоатчилиги лоқайд бўлмай, юксак яқдиллик ва дахлдорлик намунасини кўрсатганида. Маънавият қудратли кучга айланиб, ишга тушса, бу ёвуз ғояни тўхтатса бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади. **Бепарволик, лоқайдлик, “бунинг менга алоқаси йўқ”, деб яшаш маънавиятни ожиз ва заиф қилиб қўйди. Фашистларга эса ...худди ана шу керак эди.**

Токи вайронкор ғояларнинг тарғибот-ташвиқот гирдобини айланаётган экан, уларга ҳар бир йигит кизнинг юксак дахлдорлик билан қарши туриши талаб этилмоқда. Огоҳ инсоният қайтиб на миллий, на диний шовинизмга, экстремизмга ва уларнинг тарғиботига йўл қўймасин.

Агар бундан бир аср муқаддам Европа, бутун инсоният энди ниш чиқараётган фашизм ғоясига қарши ана шундай курашганида, лоқайд бўлмаганида, 60 000 000 га яқин инсоннинг ёстиғи қуримаган бўларди. Ўзбекистоннинг 500 000 баҳодир фарзандлари қурбон бўлмас эди. Юртимизнинг ҳар бир тумани, маҳалласи, оиласи азоб чекмаган бўлар эди.

Биз бутун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва

барқарорликни мустақамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”**, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради [2].

Ватан равнақи – ҳар бир киши, шахснинг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсадларидан бири бўлиш барчамиз учун муқаддас саналган Ватанимизнинг равнақини таъминлаш, унинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига эришишини назарда тутди. Яъни Ватан равнақи аввало “...Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда канча-канча ёшларимиз чет элларда таълим олмакда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди” [3]. Шундай экан биз бугун ўз Ватанини севадиган, унинг ривожланишига ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган янги авлодни ҳар томонлама тарбия қилишимиз лозим. Бу эса жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига бевосита боғлиқдир. Бунда, биринчидан, ҳозирги ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. Иккинчидан, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жаҳбаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга. Учинчидан, бозор муносабатларига хос мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, хусусий тadbirkorлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қилади. Бешинчидан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши – Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир [4].

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий кадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари яшамокда. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслағи, кадриятлари, анъаналарига эга. Шу боис, мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан

саналади. Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэтни) ва бир миллатли (моноэтни) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос кадриятлари ҳам бор. Умумий кадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансубкишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла руёбга чиқариш учун шароит яратиши ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда [5].

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилиши жараёнида ҳам миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш орқали тинчлик ва барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. Бунда барча дин вакиллари орасида диний асосда ҳеч қандай можаролар бўлмаганига тарих гувоҳдир [6]. Бу ҳақда, фикр юритганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “...Бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда” [7], – деган сўзлари замирида нақадар катта ишонч мужассам эканини таъкидлаш мақсадга

мувофиқдир. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳукукий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эзгулик ғоясига асосланади, кишиларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, ҳамиша яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда ҳақиқий диний қарашлар ортида динлараро бағрикенглик ётади. Айниқса, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини тараққий этишида диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик муҳитини ҳукм сўриши ўз навбатида фуқароларимизни хусусан, ёш авлодни она Ватанга фидойи ва садокат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида мазкур омиллар, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 28 январда «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонни имзолади. Мазкур фармон билан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Ушбу фармон асосида 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш бўйича жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашни тақоза этади. Айнан, мазкур омиллар дунёда глобал микёсда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш орқали Юрт равнақи ва Ватан тараққиёти учун замин яратади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 03.08.2017. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat>
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. / “Халқ сўзи”. 2021 йил 31 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи”. 2017 йил. 23 декабр.
4. Нишоновна “Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси”: Пед. фан. д-ри. ... дис. – Т.: 1998. 288-б.
5. Назаров Қ. ва бошқалар. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ғафур Ғулом, 2009.
6. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. “Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари”. – Тошкент: “Маънавият”, 2007, 80-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. Адолат 2017 йил. № 24. 1-3-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ёш авлод дунёқарашини шакллантиришда ислохотларга дахлдорлик фазилатини ривожлантириш масалалари, ёшлар тарбиясидаги камчиликлар, маънавиятнинг қашшоқлашуви, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясига эътибор масалалари.

РЕЗЮМЕ. В статье вопросы развития добродетели причастности к реформам в формировании мировоззрения молодого поколения, недостатки в воспитании молодежи, оскудение духовности, вопросы внимания к воспитанию причастности к процессу формирования гражданского общества.

SUMMARY. In the article, issues of developing the virtue of involvement in reforms in the formation of the worldview of the young generation, shortcomings in youth education, impoverishment of spirituality, issues of attention to education of involvement in the process of civil society formation.